

Ўзбекистон Президенти ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 4 июль куни ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Ҳиндистон томонининг раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Чжан Мин ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев ҳам қатнашди.

Кузатувчи мамлакатлар раҳбарлари ва фахрий меҳмонлар сифатида саммитда Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Мўғулистон Президенти Хурэлсух Ухнаагийн, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳамда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро муносабатлар тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар – геосийёсий кескинлик кучайиб, зиддиятлар авж олаётгани, глобал барқарорлик ва изчил

тараққиётга хавф солаётган янги хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётгани, экология, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги соҳасидаги хавфлар ортиб бораётганини қайд этди.

- Шу муносабат билан конструктив ва ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга кучли эҳтиёж борлиги яққол кўриниб турибди, - деди мамлакатимиз етакчиси.

Ўзбекистон низо ва зиддиятларни ҳал қилиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ечимларни излаш ва муросали қарорларни қабул қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий ўрнига нисбатан принципиал позицияга риоя қилиши таъкидланди.

ШХТ фаолияти тўғрисида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти ушбу ташкилот муваффақияти унинг асосий тамойилларига қатъий риоя этишга асосланганлигига эътибор қаратди. Булар - ташкилотнинг блокдан ташқари мақоми, очиқликка қатъий содиқлик, тенглик ва консенсус асосида қарор қабул қилиш тамойилларидир.

- Энг муҳими, бизнинг ҳамкорлигимиз турли манфаатлар, ёндашувлар, қарашлар ва маданий тафовутларни ўзаро ҳурмат қилиш ва конструктив идрок этишга суянади, - деди давлатимиз раҳбари.

ШХТнинг минтақавий кун тартибидаги энг долзарб масалаларни ҳал қилишда самарали халқаро тузилма сифатидаги етакчи ролини сақлаб қолиш мақсадида қабул қилинган келишувлар ва қарорларни инвентаризациядан ўтказиш, шакллантирилган институтлар ва ҳамкорлик механизмларининг фаолиятини аудит қилиш, ташкилотни модернизациялаш бўйича келишувларнинг бажарилишини жадаллаштириш таклифи илгари сурилди. Экспертлар форуми доирасида ШХТ истиқболлари бўйича қўшма тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Саммитнинг кун тартибидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни баён қилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари кўп томонлама сиёсий ҳужжат - ШХТнинг яхши қўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодексини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

- Унинг қабул қилиниши устувор вазифаларни аниқлаш, янги шароитларда кўп томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича умумий ёндашувлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради, - деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон раҳбари ШХТ давлатлари саноат ва инновацион тараққиёт кўрсаткичлари бўйича етакчилик қилгани ҳолда улкан интеллектуал салоҳиятга, энг бой энергия ва аграр ресурсларга эга эканини қайд этди.

- Бугунги кунда ички-минтақавий савдо ва саноат-технологик ҳамкорликни ривожлантириш учун умумий маконни шакллантириш ташаббуси ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир, - деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу маънода, Президентимиз инновацион тараққиёт, рақамлаштириш ва роботлаштириш, сунъий интеллект, биотехнология, фармацевтика ва келажак саноатининг бошқа тармоқларини қамраб оладиган ШХТнинг янги иқтисодий мулоқоти дастурини қабул қилишни таклиф этди.

Бу йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ШХТга аъзо давлатлар ҳудудларининг инновацион шериклиги ҳафталигини ҳамда юқори технологиялар қўшма кўргазмасини ўтказиш таклифини билдирди.

Транспорт-коммуникация масалаларига тўхталиб, Ўзбекистон Президенти ШХТ давлатларининг транспорт ўзаро боғлиқлигининг ягона харитасини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди.

- Бу "тўсиқлар" ва "бўшлиқлар"ни аниқлаш, умумий, интеграциялашган транспорт-транзит

тизимини шакллантириш учун устувор чора-тадбирлар ва лойиҳаларни белгилаш имконини беради,
- деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йилни ШХТ маконида Экология йили деб эълон қилинишини қўллаб-қувватлаб, мамлакатимиз етакчиси “Яшил камар” дастури доирасида Минтақавий экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва “яшил” технологияларни жорий этиш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини тайёрлашни таклиф қилди.

- ШХТ майдонида иқлим ўзгаришига мослашиш, декарбонизация ва “тоза” технологияларни жорий этиш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва сув тежамкорлигини ривожлантириш бўйича яқинроқ мувофиқлаштириш ва амалий ҳамкорлик зарур, - деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Самарқанддаги "Ипак йўли" халқаро университети негизида шу йилнинг октябрь ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеясининг юбилей сессияси доирасида ШХТ туризм индустриясини ривожлантириш бўйича қўшма илмий-амалий конференция ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг бой маданий-гуманитар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида ўзаро мувофиқлашган сиёсатни амалга оширишнинг долзарб аҳамиятига алоҳида тўхталди. Шу муносабат билан интенсив маданий алмашинувнинг йиллик тақвимини шакллантиришни амалиётга жорий этиш ҳамда “ШХТ - келажакнинг ижодий ғоялари ва ташаббуслари макони” ёшлар алмашинувини кенгайтириш бўйича Тадбирлар дастурини тайёрлаш таклиф қилинди.

ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолиятини фаоллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қайд этиб, мамлакатимиз етакчиси тузилма кенгашининг сайёр йиғилишлари амалиётини давом эттиришни қўллаб-қувватлади, бу тузилманинг замонавий таҳдидларга тезкор жавоб бериш масалаларида ваколатларини оширишга имкон беришини таъкидлади.

Яна бир муҳим масала - Афғонистонда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятга тўхталиб ўтилди.

Президентимиз Афғонистоннинг бевосита қўшнилари бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари узоқ муддатли сиёсий ечимни топишдан барчадан кўра манфаатдор эканини таъкидлади.

Шу муносабат билан “ШХТ – Афғонистон” алоқа гуруҳи форматида қўшма фаолиятни ва маслаҳатлашувларни қайта тиклаш таклиф қилинди.

Тадбир якунида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари қуйидаги ҳужжатларни имзоладилар:

- ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Нью-Дехли декларацияси;
- 2030 йилга қадар ШХТ минтақасида иқтисодий ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида қарор;
- Эрон Ислом Республикасини ШХТ аъзолигига қабул қилиш тартиботини яқунлаш ва унга ШХТга аъзо давлат мақомини бериш тўғрисида қарор;
- Беларусь Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумни имзолаш ҳақида қарор.

Бундан ташқари, иқтисодий ҳамкорлик ва рақамли трансформацияни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қаратилган 10 та ҳужжат қабул қилинди.

ШХТга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.



Манба